



XIX-XX АСРГА ОИД ЎЗБЕК ХОТИН-ҚИЗЛАРИ МИЛЛИЙ КИЙИМЛАРИ: УНУТИЛГАН ВА ТИКЛАНАЁТГАН ҚАДРИЯТ.

Ю.Гайбуллаева

Тошкент шаҳрида Вебстер университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8406531>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-September 2023 yil

Ma'qullandi: 28-September 2023 yil

Nashr qilindi: 30-September 2023 yil

KEY WORDS

Ўзбек, маданият, совет, халқ,
миллий, либос, қадрият

ABSTRACT

Ҳар бир халқ ва ҳар бир миллатнинг фақат унинг ўзигагина хос моддий ва маънавий, маданияти, урф-одатлари ва қадриятлари мавжуддир. Улар асрлар давомида халқ билан бирга шаклланади, ривожланади ва даврлар синовидан ўтади. Ўзбек миллий либослари ҳам ана шундай қадриятлардан ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач авваллари унутилган, қатағонга ҳам учраган ҳамда эътибордан четда қолган ихтисослар ҳам дунёга қўз очмоқда. Ўзбек халқининг миллий кийим-кечакларини ўрганиш, ундаги миллий ўзига хослик, асрлардан асрларга ўтиб келаётган қўҳна анъаналарни ўрганиш шулар жумласидандир.

Узоқ вақтлар давомида, хусусан мустабид совет тузуми даврида (1917-1991) фанда ҳукмрон коммунистик мафкура миллийликнинг ҳар қандай кўринишларига тўсқинлик қилиб келгани учун элшуносликда бу масала етарлича ва холис ёритилмаган. Чунки шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият миллийликнинг ҳар қандай кўринишини рад этиб келган.

Ўзбек миллий либосларини тадқиқ этиш ва кенг маънода тарғиб қилиш социалистик турмуш тарзини ташвиқ қилувчи коммунистик мафкура илдизига болта уриш экани ўз-ўзидан маълум эди. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар бу масалада ғоят эҳтиёткор позицияда туриб иш кўришга мажбур бўлганлар. Қандай қилиб бўлса ҳам тадқиқотларига байналминал тус беришга интилишган. Ўша даврда кишилиқ тарихида янги уюшма – Совет кишиси пайдо бўлгани тинимсиз тарғиб қилинмоқда эди.

Аммо булардан қатъий назар ўзбек либосларини ўрганиш ва уларга қизиқиш сира сўнмаган. Чунки унинг илдизлари олис мозийга бориб тақалган эди. Археологик қазилмалар ва тадқиқотлар олис замонлардаги кийим-кечаклар хусусида илк тасаввур беради. Девоқлардаги тасвирий суратлар, тош битиклар, ҳайкалчалар ва бошқа осори-атиқалар қадим аجدодларимиз либослари ҳақида ўйлашга, фикрлашга ва тасаввурга имкон беради. Эрамиздан аввалги V асрга оид тарихий ёдгорлик – Бехистун битиги шулар жумласидандир. Унда Аҳмонийлар сулоласи вакили – Эрон шоҳи Доро I фармони

билан тошга ўйиб ёзилган ғалабалар мадҳида саклар йўлбошчиси Скунха тасвири мавжуд. Ўша даврда тик учли қалпоқлар кийган сакларни – Сак – тиграхауда деб аташган. Эрамиздан аввалги II асрда Хитой элчиси Чжан-Цзяннинг императорга ёзган ҳисоботида ҳам Турон аҳли турмуши тасвирланиб, уларнинг либослари ҳақида ҳам гап боради. Элчи 10 йил давомидаги кузатишлари асосида битган ҳисобот ноёб маълумотларга бойдир. Эрамизнинг I асрида Римда бўлган Кушон элчилари тасвири машҳур Траян колоннасида акс эттирилган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, VI- VIII асрларга мансуб деворий суратлар ўша даврда аجدодларимизнинг ташқи кўриниши қандай бўлганлиги тўғрисида тасаввур берибгина қолмай, бичим андозасини тасаввур этиш имкониятини беради, аҳолининг турли маҳаллий ва этник гуруҳлари кийимларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр ҳосил қилиш учун ҳам асос бўлади. Устбошларнинг ҳамма кўринишлари енгсиз, узун, баъзан енги кенг қилиб бичилган кийимларнинг ён томонида одатда йирмоч – қийиқ жойи, енлама ёқаси бўлганки, бу ҳол Ўзбекистон халқларининг ҳозирги либосларида ҳам илдизи чуқур тарихий анъанага бориб тақаладиган хусусиятларни кузатишга имкон беради.

Буюк ипак йўли равнақ топган асрларда Кушон, Парфия, Рим ва Хитой халқларининг ўзаро иқтисодий, дипломатик ва маданий алоқаларини кучайиши кийим-кечаклардаги ўзгаришларга таъсир этгани ўз-ўзидан маълум. Бу ҳолни XV-XVI асрларда яратилган миниатюра асарларида кузатиш мумкин. Уларда кўп жиҳатдан жамиятнинг барча табақаларига мансуб либослар акс этган бўлиб, унсурлари туркий кийим-кечакларнинг айрим хусусиятлари ҳамда иккинчи томондан Эрон-Мессопотамия ва мўғул кийимларига хос унсурларни кўриш мумкин. Булар ҳаммаси мазкур минтақаларда яшаган эл-элатларнинг ўзаро маданий алоқалари жуда узоқ давом этиб келганлигидан далолат берадики, мазкур омиллар ўрта асрлардаги кийим-кечакларнинг шаклланишида ўз ифодасини топган.

Қадим-қадимдан бир-бири билан қуда-анда бўлиб келган Турон заминда яшаган халқларнинг ўзаро таъсирлари кучли бўлган. Онг, тафаккур, дид-фаросатлари, дунёқарашлари, эътиқод ҳамда мафкуралари ўхшаш ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, уйғур, туркман ва бошқа халқлар либосларида ҳам шундай уйғунлик мужассам. Қадимийликда “Миср билан беллашадиган” (Помпей Трог) Турон замин халқларининг либослари ҳақидаги дастлабки маълумотлар зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да акс этган.

Хотин-қизлар либослари хусусида Қуръони Карим оятларида ҳам фикрлар баёни мавжуд. Археологик топилмаларда, қоя тасвирларида ҳам дастлабки кийимлар хусусида теран тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Бобур, Алишер Навоий, Хондамир ва бошқа ўрта аср олимлари асарларида ҳам кийимбошлар ҳақида айрим маълумотлар берилган. Бу ўринда Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқда 27 мамлакатни ягона давлатга, ягона маданият маконига айлантирган Амир Темур салтанати алоҳида роль ўйнаган. Ўзбек миллий либослари асрлар давомида ўзгариб такомиллашиб борди. Ўлкада рўй берган катта-кичик сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий воқеалар улар қиёфасига ўзгартиришлар киритмай қолмади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг бошланган Россия истилоси натижасида барпо этилган Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган Ўзбекистонда юртила бошланган мустамлакачилик сиёсати халқ турмушининг барча соҳаларида

ўзгаришлар ясади. Изчил олиб борилган руслаштириш сиёсати миллий кийим-кечаклар ишлаб чиқариш, шакли ва мазмунига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Миллий либослар, хоҳ у замонавий, хоҳ у анъанавий бўлсин, улар ҳеч қачон ўзгармай қолмаган. Устибошларда халқ ижодининг этнографик, тарихий, бадий хусусиятлари маълум шакллар яратган ҳунармандчилик касб-корларида, тўқувчиликда бадий каштачиликда, заргарлик зеб-зийнатлари тайёрлаш технологиясида мужассам.

Кийим-кечакларда акс этган анъаналар ва унсурлар ҳозирги замонавий устибошларда ўз ифодасини топган ҳолда бугунга келиб ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ҳозирги глобаллашув кескинлашиб бораётган шароитда ҳам “оммавий маданият” деб аталмиш четдан ёпирилиб келаётган бизга ёт ва бегона дид ҳуружи кучайиб бораётган модалар тазйиқида ҳам миллий либослар ўзлигини сақлаб келмоқда. Чунки уларда халқимизнинг мингйилликлар давомида ривожланиб келаётган миллий ўзлиги, ахлоқи, онги, шуъури намоёндр.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Содиёва Н. // Ўзбек аёлларининг миллий кийимлари. 2007, Б. 98
2. Зуфарова З. Чевар. // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1957, № 1. Б. 10
3. Кийина билиш ҳам санъат. // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1966, № 1. Б. 26.
4. Комилова М. Ярашганини кияйлик. // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1954, № 9. Б. 23.
5. Ашрафий М. Ўрта Осиёда ўрта асрлардаги либослар: тараққиёт босқичлари (VII – XVII асрлар) // San'at. 2001. № 3. – 18-бет;

INNOVATIVE
ACADEMY